

**НОФИЛОЛОГИК СОҲАЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИ
ТАЛАБАЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЁЗМА НУТҚ
МАЛАКАЛАРИНИ ЎСТИРИШ МЕТОДЛАРИ**

Рахматуллаев Ш.

Электротехника факультети 1-курс талабаси

Каримова Ферузахон Иноятовна

Андижон машинасозлик институти

“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

@mail: feruzakhon1964@gmail.com

Давлат таълим стандартида номутохассисларнинг чет тилини умумевропа халқаро стандарти CEFR нинг бошланғич А-2 даражасида билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишлари дастурий талаблар сифатида белгилаб қўйилган. Бугунги кунда Олий таълимга ўқишга қабул қилинган талабадан В1 даражасидаги билим талаб қилинмоқда. Ушбу даражани эгаллаган талабалар содда жуфт-нутқларда иштирок эта олишади, ўзлари ва яқин инсонларига тааллуқли шахсий характердаги саволларга жавоб бера олишади. Чет тилида ёзувни ўргатиш ҳақида гап борганда ёзувнинг ўқитиш мақомига эга эмас, балки таълим воситаси ҳисобланишини таъкидлаш жоиз. Чет тилида ёзув деганда ушбу тил воситалари қўлланиб, ёзма шаклда фикр баён этиш тушунилади. Ёзма нутқда қўлланиладиган лисоний воситаларни, биринчидан графемалар ва ёзма шаклдаги лексик ва грамматик бирликлар ташкил этса, иккинчидан, уларнинг қўлланиши ёзма нутқнинг ёзиш техникаси саналади. Ёзиш техникасидан фойдаланиб, фикр чет тилида ёзма баён этилса, ёзма мулоқот юз беради. АҚШ чет тиллар ўқитиш методикасининг атоқли намоёндаларидан Гарвард университети профессори Уил Риверснинг фикрича, саводли бўлиш – ўқиш ва ёзувни билиш, деган маънони англатади. Ўқиш ва ёзув ёзма нутқнинг икки “палла” сидир, биринчисида ёзилган материал ўқилади, иккинчисида эса одатда ўқишда ўзлаштириладиган фикр ёзма изҳор этилади. Ҳусниҳат ҳарф, ҳарф бирикмаси сўз асосида, имло эса морфема, сўз даражасида, ёзма нутқ эса гап, абзац ва боғланма матн материалида ўргатилади. Ёзма нутқ бошқа репродуктив нутқ фаолияти тури – гапириш заминида, яъни унинг лисоний материали ва мавзулари доирасида шаклланади. Ёзма нутқ тегишли хусусий малакаларга асосланади. Ёзув малакалари қуйидаги кўникмалардан ташкил топади:



1)хуснихат кўникмаси

2)имло кўникмаси

3)тузиш кўникмаси

4)ёзувнинг лексик ва грамматик кўникмалари

Ёзма машқлар деганда ўқувчиар синфда ва уйда бажарадиган барча ёзма ишлар киради.Ёзувга ўргатишда проф.¹Пассов машқларнинг умумий таснифи ни келтиради:1.кўчириш 2.эшитиб ёзиш (имло диктанти) 3.эркин ва ижодий диктант (фикр баён этиш) 4. Чинакам ёзув машқи (хат,деворий матбуотга мақола ёзиш,бирор ҳодисани тасвирлаш 5. Ўйин-машқ (кроссворд,чайнворд топишмоқ) 6.ҳикоя (матн) режасини тузиш 7. Ўқиган матннинг мухтасар баёни (аннотация)ни тайёрлаш.

Нофилологик соҳаларда чет тилида ёзма нутқни шакллантириш учун “занжир” ўйинини қизиқарли ўтказса бўлади.Бу ўйиндан савод ўргатиш билан бир пайтда сўзлар топиш бўйича ўтказиш мумкин. Ўйин қоидасига кўра ўқитувчи бир сўз айтади ва ёзади.Талабалар шу сўз охиридаги ҳарфдан бошланувчи сўзни навбат билан айтадилар ва ёзишда давом этадилар. Қайси бир талаба сўз топа олмай қолса шу ерда занжир узилади. Шу талабанинг гуруҳига жарима берилади.Масалан:Bag – Girl– Love – Elefant – Table – Enter – Roof – Friend – Dog – Garden – Nose – Elbow – Window – Water – Rose .

Бу ўйин ёрдамида сўз туркумларини ҳам яхши ўзлаштириб олиш мумкин.Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб алоҳида-алоҳида топшириқлар бериш мумкин.1 – гуруҳга от сўз туркуми,2-гуруҳга сифат сўз туркуми,3-гуруҳлар эса феъл сўз туркумига оид сўзлар топиш вазифаси топширилади.

“Нима йўқолиб қолди?” номли таълимий ўйин ўқувчиларнинг ёзма саводини оширади. Дарсда тарқатмаларга ёзилган сўзлар доскага кўйилади ва талабалар уларни кузатиб турадилар. Талабалар уни кузатиб бўлганларидан сўнг уларга кўзларини юмиш айтилади. Талабаларларнинг кўзлари юмилганда ўқитувчи сўзлар ичидаги айрим ҳарфларни оқ қоғоз билан беркитиб кўяди ва ўқувчиларга сўзларни тўғри тўлдириб ёзишларини топширади. Бу ўйин чет тили алфавитини ўргатишда ҳам кўл келади.

“Давом эттир” ўйинида эса ўқитувчи сўзни бошидаги икки ҳарфини айтса, қолганини талабалар ўзлари топадилар ва ёзадилар.

²Бундай таълимий ўйинлар натижасида талабаларнинг фикрлаш қобилияти ривожланади,сўз бойлиги ортади,хотираси мустаҳкамланади, диққатни

¹Жалолов.Ж Чет тили ўқитиш методикаси.Тошкент-2012,291-б

²М.Артикова.Мустақил тафаккур ва нутқий фаолиятни ривожлантириш омиллари

“Таълимда ўқувчиларнинг мустақил тафаккури ва нутқий фаолиятини ривожлантириш масаласи”



жамлаш қобилияти ўсади. Бу ўйиннинг таълимий аҳамияти билан бирга талабалар тарбиясида катта рол ўйнайди.”Давом эттир” ўйинидан чет тили дарсларида шеър, ҳикоя ва эртакларни ўтишда ҳам талабалар билим самарадорлигини оширишда ўқитувчи учун қўл келади.

Таълимий ўйинлар талабаларга таълим беришга хизмат қилиши, қизиқарли, мароқли ва тушунарли олиб борилиши зарур. Мусобақа тарзида ўтказилган таълимий ўйинларда талабалар ғолиб чиқиш мақсадида жонун дили билан ҳаракат қиладилар, берилган ҳар бир топшириқни бажаришга одатланиб қоладилар, натижада уларга берилган топшириқларни бажаришга бўлган қизиқиш орта боради. Таълимий ўйинлардан тўғри фойдалана олган ўқитувчи ўқувчилардаги бу салбий ҳолатларни бартараф қила олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Karimova Feruza Inoyatovna “Ingliz tilidagi matnlarni tarjima qilishda ma’no’larni berish” Образования и наука в XXI веке (Россия) Выпуск №24 (том 2) (март 2022)
2. Karimova Feruza Inoyatovna “Methods of effective use of models in translation of English text into Russian and Uzbek” International Conference of Advance Research in Humanities, Sciences and Education 28.03.2022 Turkey
3. Karimova Feruza Inoyatovna “Some innovation in teaching English” International Conference of Advance Research in Humanities, Sciences and Education 28.03.2022 Turkey
4. Karimova Feruza Inoyatovna “Historical reality in Uzbek literature and discourse analysis of folk songs” O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi Andijon Mashinasozlik instituti ISSN 2181-1539 2022 yil
5. Karimova Feruza Inoyatovna “Xorijiy tilni o‘rganish yangi metodikasi , Andijon mashinasozlik instituti” «Raqqamli hayot va ijtimoiy fanlarni ning barkamol avoldni voyaga yetkazishdagi o‘rni va ahamiyati: dolzarb muammolar va istiqbollari» xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 12 aprel 2022 yil, Andijon
6. Мамадалиев Б. Хозирги узбек тилида кушма сузлар. Кукон, Давлат Педагогик Институт Илмий ишлар туплами. Фаргона, 1958, с.24.
7. Ярцева В.Н. Сравнительная типология и ее связи с контрастивной лингвистикой.–НДВШ, фил.науки, 1978



8. Karimova Feruza Inoyatovna “Ingliz va o‘zbek tillardagi qoshma fe’llarning semantic tahlili” O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi Andijon Mashinasozlik instituti ISSN 2181-1539 2022 yil № 5(maxsus son 2-tom)
9. Scholar's Digest- Journal of Multidisciplinary Studies Karimova Feruzakhan Inoyatovna Some ways to teach young students to speak a foreign language 16-18 p jif: 7.755(impact factor) Volume 2, Issue 3, March, 2023 ISSN (E): 2949-8856
10. In Volume 4, Issue 3 of Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL), March, 2023. 93-96p Karimova Feruzakhan Inoyatovna Some topical issues in the process of translation of texts in the field of mechanical engineering ISSN:2776-0995 SJIF(2022):5.773 Impact
11. American Journal Of Research In Humanities And Social Sciences Issn (E): 2832-8019 Volume 11, | April, 2023 P a g e | 101 www.americanjournal.org The Main Provisions Of The Methodology Of Teaching Foreign Languages In Secondary School

